БУГУНГИ СОНДА:


Янги қурилаётган вокзал – туман кўркига айланади
2-бет


Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қиляпти
2-бет


МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ
3, 4-бетлар


Сув келтирган элда азиз
6-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 8 (561)
2022 йил 4 февраль, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙДА ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан XXIV қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун 4-5 февраль кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлади.

Хитой пойтахти жаҳон спорти тарихида иккала Олимпиадани қабул қилган биринчи шаҳар бўлади – 2008 йилда бу ерда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари ҳам ўтказилган эди.

Карантин чораларига қатъий риоя этган ҳолда 4-20 февраль кунлари ўтадиган бу галги мусобақада спортнинг 15 та йўналиши бўйича 109 та медаллар тўплами ўйналади. Бу медаллар учун Ўзбекистон ва 90 та мамлакатдан жами 4 мингдан зиёд спортчи беллашади.

Олимпия ўйинларининг очилиш маросими 4 февраль куни Пекиндаги “Қуш уяси” миллий стадионида хорижий давлатлар ва расмий делегациялар етакчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтади.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Президенти қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказади.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишларида давлат харидлари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш бўйича тартиб-таомилларни электрон тизимга ўтказиш орқали янада такомиллаштириш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги тизими жорий этилсин:

қурилиш соҳасидаги давлат харидларини ўтказишда танлов ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиш талаб этилмайди;

электрон танлов (тендер) (кейинги ўринларда – танлов) савдоларини амалга ошириш учун танлов ҳужжатлари ва техник вазифалар фақат товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича комплекс экспертизадан ўтказилади;

танлов савдоларида жорий йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми қурилиш-пудрат ташкилотларининг сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажмининг 1,5 бараваридан ошган оферентлар иштирок этмайди;

танлов натижалари бўйича шартномада белгиланган нархга нисбатан сифати ва ҳажмига таъсир қилмаган ҳолда тежалган маблағлар пудрат ташкилоти тасарруфида қолдирилади.

2. Давлат буюртмачилари қурилиш соҳасидаги танловларни махсус ахборот портали операторлари орқали онлайн режимда ўтказилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳамда танловларни ўтказиш бўйича махсус ахборот портали операторлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

3. Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов, қурилиш вазири Б. И. Закиров ва молия вазири Т. А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 5 февраль,
55-сон

*Мазкур қарорнинг иловалари билан газетамизнинг 3, 4-саҳифаларида танишиш мумкин.

## ЯНГИ РУКН: ТАНИШИНГ, “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

*Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, юртимизда “Янги Ўзбекистон” массивлари қад ростламоқда. Бугундан эътиборан газетамиз саҳифаларидан жой оладиган янги рукн орқали йил давомида ҳудудларда бунёд этиладиган массивлар, улардаги қурилиш жараёни билан яқиндан танишиб борасиз.*


Лойиҳа сурати.

# ЯХШИ КАЙФИЯТДА ЧИРОЙЛИ ҲАЁТ КЕЧИРИШГА ЗАМИН

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тартиб билан қад ростлаган турар жой бинолари, замонавий мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, янгича кўринишдаги тиббиёт муассасалари, кўркам истироҳат боғлари... Бир инсон мароқ билан умр ўтказиши, қадр топиши учун бундан ортиқ яна қандай шароит керак? Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида аллақачон қурилиши бошланган “Янги Ўзбекистон” массивлари юртдошларимизга ана шундай қулайликларни тақдим этиши билан аҳамиятлидир.**

“Янги Ўзбекистон” массивлари жорий йилда мамлакатнинг 29 та ҳудудида қурилиши кўзда тутилган. Бу 29 та шаҳарча бунёд этилади degани. Энг асосийси, 21,3 мингта оила ватанли бўлади.

Мамлакат бўйлаб “Бағдод тажрибаси” дея эътироф этилган массивнинг қад ростлаши муҳим воқелик бўлганидан хабарингиз бор. Ҳақиқатан ҳам, қисқа фурсат ичида Бағдод тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1 минг 236 хонадонни жамлаган 61 та замонавий кўп қаватли турар жойлардан иборат шаҳарча бўй кўрсатди. Бу ерда аҳоли учун барча инфратузилма яратилди. Қишлоқ жойларда барпо этилаётган замонавий кўп қаватли турар жойлар қурилиши фақат Бағдод тумани билан чекланиб қолмади. Катта шаҳарлардагидан қолишмайдиган, ўзида болалар майдончаси, спорт майдончаси, автотураргоҳларни мужассам этган турар жой мажмуалари Бувайда, Учкўприк, Олтиариқ ва бошқа туманларда ҳам қад ростлади.

Жорий йилда бу ишлар давом эттирилиб, айни пайтда Фарғона шаҳри, Фарғона ва Ёзёвон туманида “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бошланди.

Энг биринчи массив – вилоят марказида 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган экошаҳардир. Тасдиқланган режага асосан, ҳудудда 365 та 7-9-16-25 қаватли турар жой бинолари Жанубий Корея қурилиш технологиялари асосида барпо этилади. Шунингдек, ҳар бири 300 ўринга эга 10 та мактабгача таълим ташкилоти, 3 та спорт муассасаси ва оилавий поликлиника ҳамда шифохона барпо этилиши шаҳарчанинг кўркига кўрк қўшиши шубҳасиз.

6-бет

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# Вазир – тиббиёт маркази қурилиши билан танишди

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Батир Закиров Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази қурилиш жараёнини доимий кузатиб бормоқда.**





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси негизида янги мажмуа барпо этилмоқда.

Хорижий клиникаларнинг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитлар ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилган ва шу асосда марказда умумий қурилиш ишлари якунланган. Ҳозирда бинонинг ички қисмида пардозлаш, сантехника ва электротехника ишлари давом этяпти. Ишлар 3 сменада туну кун ташкил этилган. Унда 600 нафарга яқин қурувчилар меҳнат қилмоқда. Қарийб 8 гектарлик қурилиш майдонида 20 дан зиёд техникалардан фойдаланиляпти.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири 580 ўринли ушбу марказнинг қурилиш жараёни билан танишди.

Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази вакиллари иштирокида кечган мулоқотда марказнинг қурилиш жараёни, унинг техник меъёрлари, эътибор қаратилиши зарур бўлган барча жиҳатлар келишиб олинди. Хусусан, муҳандислик тармоқлари тизимида халқаро амалиётда ўзини оқлаган энерготежамкор технологиялардан фойдаланиш, бунда қўшимча резервларни ташкил қилиш, замонавий насос мосламаларини ўрнатиш, сантехника тизимининг ҳолати ва эксплуатацияси, жиҳозлар сифати, жойлашуви, ранги, дизайни, каби барча муҳим жиҳатлар кўздан кечирилди. Иситиш-совутиш, вентиляция тизимининг меъёрлари қурувчиларга тушунтирилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар билдирилди. Янги мажмуада қўшимча 14 та бўлимни очиш имконияти бор.

Марказда қурилиш ишларини шу йилнинг май ойига қадар тўлиқ якунлаш кўзда тутилган.



# ҚАЙСИ ОЙДА ЭНГ КЎП ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛГАН?

**Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда жами 107,4 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.**

**Ойлар кесимида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми:**

| | |
|---|---|
| январда | **– 5,9 трлн сўм;** |
| февралда | **– 4,8 трлн сўм;** |
| мартда | **– 8,9 трлн сўм;** |
| апрелда | **– 10 трлн сўм;** |
| майда | **– 7,7 трлн сўм;** |
| июнда | **– 11,3 трлн сўм;** |
| июлда | **– 8,6 трлн сўм;** |
| августда | **– 9,2 трлн сўм;** |
| сентябрда | **– 10,5 трлн сўм;** |
| октябрда | **– 8,9 трлн сўм;** |
| ноябрда | **– 10 трлн сўм;** |
| декабрда | **– 11,6 трлн сўм.** |

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (561) 2022 йил 4 февраль

# СИРДАРЁНИНГ ОҒИР ҲУДУДЛАРИ ОБОДОНЛАШЯПТИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президент ташаббуси билан бошланган изчил ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда йиғилиб қолган муаммолар биринкетин ўз ечимини топмоқда. Айниқса, фуқароларимизнинг дарду ҳасрати, уларни қийнаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, улар ҳудудларнинг ўзида ҳал қилинаётгани одамлар шуурида эртанги кунга ишончини янада ошириш қаторида, ўзлари ҳам юрт ободончилиги ва фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшишга ундаяпти.**

Алоҳида эътироф этиш жоизки, ўтган йили давлатимиз раҳбари Президентлик сайловолди дастури доирасида вилоятларга қилган ташрифи ҳамда фуқаролар билан ўзаро мулоқотлар жараёнида “Инсон қадри учун” тамойилини барча ислоҳотларимизнинг бош мезони сифатида белгилаганди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга ошириш учун дастлабки кунлардан жойларда амалга оширилаётган ишлар яққол кўзга ташланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 28 январь куни кенгайтирилган видеоселектор йиғилишини барчамиз катта қизиқиш билан кузатиб турдик. Мазкур тадбирнинг аҳамияти шундаки, у навбатдаги беш йилликда халқимизнинг орзу-истакларини мукаммал қамраб олган режалар бўлиб, “Давлат – инсон учун” деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини бевосита халқимиз билан маслаҳатлашиб, одамларимизнинг фикр ва таклифлари асосида ишлаб чиқилгани эътироф этилди. Шунингдек, дастур лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида аҳолидан 17 мингдан ортиқ таклифлар билдирилган ва уларнинг барчаси турли йўналишлар бўйича ўрганилаб, дастур лойиҳаси 300 дан ортиқ янги ташаббуслар билан тўлдирилганидан кўринадики, фуқароларимизнинг ислоҳотларга бўлган ишончи ва дахлдорлик ҳисси янада ортиб бораётганидан далолат беради.

Аслида, давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти ҳам биринчи навбатда, халқни рози қилиш, турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Фаровонликни таъминлашни бош мақсадга айлантирган сирдарёликлар ҳам бугун ижтимоий соҳа объектларидаги муаммоларни ҳал қилишга жиддий киришишган.

Яширишнинг ҳожати йўқ, давлатимизда ислоҳотлар бошлангунига қадар ушбу вилоятда деярли ўзгаришлар бўлмаганди. Халқимизда, “Бўзчи – бўзга ёлчимайди”, деган гап бор. Вилоят аҳли кўплаб соҳалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоқларидан йиллар давомида юқори натижаларга эришиб келган бўлса-да, аҳолининг муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, турар жойлар қуриб, эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, қаровсиз ҳолга келиб қолган қишлоқларни ободонлаштириш сингари муҳим масалалар эътибордан четда қолиб келаётганди. Ислоҳотлар даврининг шарофати билан ғалвир сувдан кўтарилганда ҳаммаси яққол кўзга кўриниб қолди.

Ушбу ҳудудда умргузаронлик қилаётганлар яхши билишади, вилоятда ечим кутаётган муаммоларни биров четдан келиб ўнглаб бермайди, барчаси энг аввало, ўзларига – ташаббуслар кўрсатиб, ҳаракатлар қилишларига боғлиқ. Давлат раҳбарининг видеоселектор йиғилишида айтганлари эндиликда дастуриламал бўляпти. Вилоятда оғир ҳудуд, дея эътироф этилган 22 та маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига киришилди. Ишларни тизимли равишда ташкиллаштириш учун вилоят раҳбари бошчилигида ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар бир маҳалла аҳлининг ижтимоий аҳволи синчиклаб ўрганилмоқда.

Жумладан, ҳудудлардаги муддатини ўтаб бўлган трансформаторлар ҳамда симёғочларни замонавийсига алмаштириш, аҳоли хонадонларига табиий газ манбаини етказиб бериш, кўчаларга шағал ётқизиб, асфальтлаш ва эскирган маҳалла биноларини янгитдан бунёд этиш сингари ишларни кечиктирмасдан рўёбга чиқаришнинг тадориги кўрилиб, ишлаб чиқилган замонавий лойиҳалар асосида ишлар бошлаб юборилди.

Шу кунларда мазкур маҳаллаларда 50 тага яқин турли русумдаги техникалар кечаю-кундуз ишлаб, 15 километрдан ортиқ кўчага тош ва шағал ётқизилди. Бундан ташқари, 12 та трансформатор, 120 та электр ускуналари ўрнатилди ҳамда 16 километрга ҳаво тармоғи тортилди. Лойиҳалаштирилган ишлар сифатлилигини таъминлаш учун ишловчиларга етарлича шароитлар ҳозирланган. Уларга икки маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ажратилган. Ҳар бир бажарилган ишнинг сифати ишчи гуруҳи ва сектор раҳбарларининг назоратида бўляпти.

Яқинда ишчи гуруҳи вилоят раҳбари ва секторлар бошлиғи билан Боёвут туманидаги Миришкор маҳалласида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳамда аҳолининг муаммоларини ўрганди. Муҳандислик ва ирригация тармоқларининг ҳолати, ижтимоий соҳа объектларини замонавийлаштириш бўйича зарур чоралар белгиланди.

Ушбу маҳалла алоҳида эътиборга олингани бежизга эмасди. Чунки бу жой 4 та қишлоқ аҳоли пунктидан иборат ва у ерда 3 600 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Сўнгги йиллардаги қаровсизлик туфайли ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, ижтимоий объектларни таъмирлаш каби масалалар аҳолини қийнаб қўйганди. Эндиликда ана шу масалалар тегишли ташкилотлар томонидан икки ой оралиғида бартараф қилинадиган бўлди. Ишчи гуруҳи ташрифи давомида маҳалланинг янги биносини қуриш учун дастлабки ғишт қўйилди.

Юқорида айтилганидек, муаммоларни биров четдан келиб бартараф этмайди. Ҳаммаси фуқароларимизнинг ўзларига, уларнинг саъй-ҳаракатлари-ю, ташаббуслар кўрсатишларига боғлиқ. Буни Сирдарё вилоятидаги оғир ҳудуд, дея эътироф қилинган 22 та маҳаллада бугун амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мисолида кўриш мумкин.



# ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ВОКЗАЛ – ТУМАН КЎРКИГА АЙЛАНАДИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хориж ёки юртимизнинг бирор ҳудудига қай мақсадда боришимиздан қатъи назар, албатта аэропорт ва вокзалга ишимиз тушади. Бу масканлар қайсидир маънода, ўша шаҳарнинг ташриф қоғози, соддароқ айтганда, у ҳақдаги илк таассуротимизни шакллантирувчи восита ҳам ҳисобланади.**

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди – Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани юртимизнинг энг гўзал, кўркам ва табиати бетакрор тоғлар бағрида жойлашган сўлим масканларидан бири. Денгиз сатҳидан 1 минг 523 метр баландликда жойлашган ушбу туман Термиз шаҳридан қарийб 180 километр узоқликда жойлашган бўлиб, бу ерда бугунги кунда 200 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туман тасарруфида Сариосиё ва Шарғун шаҳарлари ҳамда Бўстон, Дашнобод, Наврўз, Сангардак, Сариосиё, Сўфиён, Тоқчиён, Суфар ва Ўзбекистон қишлоқ ҳудудлари мавжуд. Туман аҳолиси учун темир йўл асосий транспорт воситаси ҳисобланади. Шу боис, “Сариосиё” темир йўл вокзали ушбу туман, унга туташ ҳудудлардаги аҳолини Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва бошқа ҳудудлари билан ҳамда мамлакатимизнинг пойтахти ва вилоятлари билан боғлаб туришда муҳим аҳамиятга эга.

Туманнинг марказида жойлашган “Сариосиё” вокзали 1929 йилда қурилган бўлиб, сўнгги бор 1975-1980 йилларда таъмирланган. Шундан сўнг, ўтган вақт давомида ушбу вокзалда таъмирлаш ишлари олиб борилмагани ва бу ердан фойдаланаётган йўловчилар сонининг йил сайин ортиб бориши сабабли аҳолига сифатли ва ишончли хизмат кўрсатишда ҳам муаммолар юзага кела бошлади. Шу боис, ушбу вокзални қайта қуриб, кенгайтириш ва йўловчиларга ҳар томонлама замонавий шароитларни яратган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш бугуннинг талабига айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларимиз ҳаётида сезилиши керак. Чиндан ҳам, бугун темир йўл тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорликлар ва халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар юртимизнинг чекка ҳудудларидаги темир йўл транспорти инфраструктураларини ривожлантириш орқали йўловчилар учун замон талабларига мос кўркам вокзалларни қуриш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бунга темирйўлчилар томонидан янгитдан қурилаётган “Сариосиё” вокзали мисолида яна бир бор гувоҳ бўляпмиз.

Ушбу вокзални қуриш лойиҳаси дастлаб “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг 2018 йил 8 августдаги “Сариосиё” ва “Денов” темир йўл станциясидаги вокзаллар майдонларини ободонлаштириш билан темир йўл вокзалларини капитал таъмирлаш ва қуриш тўғрисида”ги 1493-НЗ-сонли буйруғига мувофиқ, 2018 йилда мазкур вокзалларни қайта қуриш ишлари бошлаб юборилган эди. Натижада ўтган 2021 йилда “Денов” темир йўл вокзали тўлиқ қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Сариосиё” вокзалида эса бугунги кунда қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунига етай деб қолди.

“Тоштемирйўллойиҳа” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган лойиҳа бўйича қурилаётган вокзал миллий ва замонавий уйғунликни касб этиб, сифатли қурилиш маҳсулотлари билан мустаҳкам барпо этилди. Вокзал атрофи, ташқи ва ички қисмига миллий анъаналаримиз асосида безак берилиб, кутиш зали, дам олиш ва ювиниш хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Вокзал кўркам ва маҳобатли кўриниши билан Сариосиё тумани марказидаги энг чиройли масканлардан бирига айланмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти маблағларига қурилаётган ушбу вокзалда барча бунёдкорлик ишлари белгиланган тармоқ жадвали асосида амалга оширилмоқда. Вокзал биноси икки қаватли бўлиб, лойиҳада режалаштирилган ишларга кўра, электр марказлаштириш пости билан қўшилган темир йўл вокзали, қозонхона, трансформатор станцияси, йўловчилар учун платформа, кўмир сақлаш учун омборхона, автотурарғоҳ қурилди. Шунингдек, темир йўл чиптахонаси, назорат ўтказиш пункти барпо этилди. Йўловчилар чиқиб тушиши учун мўлжалланган платформада бетон ишлари ва брусчатка ўрнатиш тугатилди. Вокзал биноси, темир йўл кассалари, назорат ўтказиш пунктида қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланди. Вокзал атрофига брусчатка ўрнатиш, темир йўл атрофини ўраш (девор) ва пардозлаш ҳам тугатилди. Айни пайтда вокзал олди қисми чегарасига панжара ўрнатиш ҳамда автотурарғоҳ майдонини текислаш ишлари бажарилмоқда.

– Эски вокзалимиз 40 нафар йўловчига мўлжалланган бўлса-да, аҳоли кўплиги боис 100 нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилган, – деди “Сариосиё” вокзали раҳбари Ботир Мирзоқулов. – Ундан ташқари, замонавий қулайлик борасида мамлакатимизнинг кўплаб вокзалларидан ортда қолаётган эди. Бунга биринчи сабаб, вокзалнинг эскириб, таъмирга муҳтож бўлиб қолгани бўлса, иккинчи сабаб, фойдаланаётган йўловчиларнинг кўплиги боис кутиш зали сиғимининг кичиклиги ҳамда замонавий дам олиш хоналарининг талабга жавоб бермаслиги билан боғлиқ эди. Темирйўлчилар томонидан пухта лойиҳа асосида бунёд этилган замонавий вокзалимизда эса йўловчилар учун барча шароит инобатга олинган. Янги вокзалда бир вақтнинг ўзида 100-150 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади. Шунингдек, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўътадил ҳарорат ҳукм сурадиган ва халқаро талабларга жавоб берадиган кутиш зали, замон талабларига мос дам олиш хоналари, чиптахона, она ва бола ҳамда тиббий пункт хоналари мавжуд.

Янги вокзалда йўловчилар учун юқори даражадаги сервис хизматлари кўрсатиш зали, иккита замонавий темир йўл чиптахонаси, 100 кишилик йўловчилар учун айвон, перрон (узунлиги – 300 метр), чиптахона АСУ “Экспресс-3” тизимли ускуналар билан таъминланиб, электрон чипталарни рўйхатдан ўтказиш каби қулайликлар яратилади. Шунингдек, бепул сервис хизматлари, она ва бола хонаси, кутубхона, Wi-Fi интернет хизмати, тиббиёт хонаси, қўл юки аравачаси, ногиронлар аравачаси мавжуд бўлади. Мобиль қурилмалар учун қувватлантириш манбаи, электрон маълумотлар маркази ва таблоси, сайёҳлар зали йўлга қўйилади. Пуллик сервис хизматлари учун VIP – зал, буфет, миллий совғалар шохобчаси жой олади. Ушбу вокзалдан ҳар куни Тошкент – Сариосиё – Тошкент йўналишларида, шунингдек, ҳар куни 2 маҳал Сариосиё – Термиз – Сариосиё йўналишида шаҳарлараро йўловчи поездлари ҳаракатланади.

# Бугунги амал – ободликка таъмал

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари кириб бораётган ҳудудларнинг нафақат қиёфаси, балки одамларининг ҳаёти ҳам тубдан ўзгармоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергияси ва газ билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилаётган қишлоқларда, шу билан бирга ички йўллар, ирригация тизимлари, ижтимоий соҳа ва туризм объектлари қурилиб, кўркам манзилларга айланмоқда.**

Чироқчи туманининг Умакай маҳалласи вилоят марказидан олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудда жойлашган. Шундай бўлса-да, одамлари самимий, хайрли иш бошланса, бош қўшишга тайёр турадиган танти эл. Бугун ўша умакайликлар кутган кун келиб, уларнинг орзулари, ҳудуд ободлиги йўлидаги катта ишлар бошлаб юборилди. Шу муносабат билан вилоят ҳокими бошчилигидаги масъуллар ушбу манзилда бўлиб, маҳаллада дастур доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ишларнинг бажарилиши юзасидан махсус тактик ўқув машқи ўтказди.

Тадбир доирасида масъуллар аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларнинг муаммолари билан қизиқишди, таклифларини эшитишди. Ана шу аснода ҳудудни обод қилиш, бу ерда тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари яна бир бор таҳлил қилинди, масъулларга қўшимча кўрсатмалар берилди.

Лойиҳа доирасида шу куннинг ўзида 41 километр ички тупроқ йўлларга тош-шағал тўшаш, мавжуд 3 та сув иншоотидан биттасини реконструкция қилиш, 21,7 километр электр линияси тортиш учун 540 та янги таянч устунлари ўрнатиш ва 3 та трансформатор пункти қуриш, аҳолига маиший газ баллонлари тарқатиш ҳамда 10 мингта манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказиш бўйича ишлар бошланди. Бугун бунёдкорлик тамал тоши қўйилаётган бу ҳудуд, 2022 йил якуни билан энг кўркам ва обод манзиллардан бирига айланади.

# Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қиляпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Якунланган йил пойтахтимиздаги Янги ҳаёт тумани аҳолиси учун ҳар томонлама юксалишлар даври бўлди. Жумладан, “Обод маҳалла” давлат дастурини ҳаётга татбиқ қилиш орқали замонавий корхоналарни қуриб битказиш, ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосида аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасини янада юксалтириш бўйича амалга оширилган ишлар ибратга арзигуликдир.**

Маълумот учун айтиш лозимки, азим шаҳримизда изчил ислоҳотлар бошлангач кўплаб турар жой массивлари барпо этилиб, улар шаҳар аҳолисининг уй-жойга муҳтож қатлами ҳамда эҳтиёжмандларга имтиёзлар асосида берилди. Туман ташкил қилингунча қадар бу ерга 110 мингдан ортиқ аҳоли кўчиб келган. Мана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, пойтахт негизида янги туманни ташкил этиш ташаббуси давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 29 май куни Тошкент шаҳрига ташрифи доирасида билдирилган эди. Шундан сўнг, ишчи гуруҳи тузилиб, кенг кўламдаги ўрганишлар олиб борилган ва Президентимизга муҳим лойиҳалар тақдим этилгандан кейин Янги ҳаёт тумани ташкил қилинди.

Дастлабки жараённи ташкиллаштиришда катта саъй-ҳаракатлар талаб этилишига қарамай, биринчи галда ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш доирасида зарур бўлган объектлар ўз муддатида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чунончи, 65- ва 66-оилавий поликлиникалар тўлиқ қурилиб, ишга туширилди. Шу билан биргаликда, 3 та поликлиника ва “Бинокор” филиалида тиббий ахборот тизими “Meddata”ни жорий этиш учун 305,0 млн сўм ажратилди. 4 та маҳалла ҳудудида эса ҳар бири 235 ўринли 2 та ва 1 та 335 ўринли, 1 та 480 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари қурилиб, аҳолига барча қулайликлар яратилди. Шунингдек, ҳудудда жойлашган ва таъмирталаб бўлиб қолган 10 та МТТда умумий қиймати 5 млрд 687 млн сўмлик капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. Замонавий қулайликларга эга боғчалар ҳозирда болажонларнинг севимли масканига айланган.

Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, мактабдир. Таълим олаётган баркамол авлодга ана шу билим даргоҳларида яратилаётган шароитлар кўнгилдагидек бўлса нур устига аъло нур бўлади. Бу борада давлатимиз раҳбари – “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида урғу бергани бежизга эмас. Чунки бошқа жойлардаги сингари Янги ҳаёт туманидаги мавжуд илм даргоҳларининг деярли ҳаммаси ҳар томонлама янгиланишга муҳтож бўлиб қолганди. Шу сабабли имкониятлар излаб топилди. Натижада, бир йилнинг ўзида битта янги мактаб бунёд этилди ҳамда маҳаллий бюджетдан ажратилган 15 млрд 843 млн сўм маблағ ҳисобига 8 та умумтаълим мактаби биноси, 4 тасининг спорт майдонлари замонавий кўринишга келтирилиб, ёшларнинг шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилди.

Туман тасарруфига кирувчи маҳаллаларнинг маъмурий бинолари ҳам аллақачон ўз вазифасини ўтаб бўлган, замон талабларига мутлақо мос келмасди. Шу боис у ерда ишбилармонлик ривожлантириб, ўтган йили 18 та маҳалла биноларини қайтадан қуриш ва реконструкциялаш режалаштирилди. Бугунга келиб уларнинг 11 таси янгиланди, энди фуқаролар янги биноларда яратилган шароитлардан самарали фойдаланишмоқда.

Асосий эътибор уйдим-чуқур бўлиб ётган марказий ва ички йўлларни таъмирлаш орқали дастурда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди. Таъкидлаш керак, туманга қарашли барча тоифадаги йўллар бир неча ўн йиллардан буён эътиборсиз қолдирилгани туфайли ҳайдовчи ва йўловчилар учун кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқараётганди. Буниси камлик қилгандай, бир қанча чорраҳаларда светофор ҳамда йўл белгилари ўрнатилмагани сабабли кўнгилсиз ҳолатлар ҳам тез-тез содир бўларди. Излаган имконини топаркан, айни пайтда бу борада бажарилган ишларни кўрган киши “пойтахтимизнинг асосий маркази шу жойдан бошланса керак” деб ўйлаши аниқ. Сабаби, пиёдалар ва ҳайдовчиларга мўлжалланган йўллардан тортиб, барчаси сифатли қилиб бажарилган. Эскирган симёғочлар янгисига алмаштирилиб, маҳаллаларда тунги ёритгич чироқлари ўрнатилди.

Буларнинг барчаси атиги бир йил оралиғида амалга оширилганига алоҳида урғу берилаётганига сабаб бор. Давлатимизда инсон манфаатлари устуворлигига эришиш учун нимаики зарур бўлса, ҳукуматимиз томонидан ҳозирлаб бериляпти. Бу масалани оғишмай амалга ошириш учун биринчи навбатда, фуқароларнинг талаб ва истаклари инобатга олинмоқда.

Бироқ бўлаётган янгиланишлар энг аввало, сизу биз ва фарзандларимизнинг манфаатига хизмат қилишига қаратилганини туманда ҳануз англамаганлар ҳам бор экан. Акс ҳолда, қанча маблағ ва меҳнат сарфланиб, бунёд қилинган пиёдалар йўлакчалари, ички йўллар, кўп қаватли уйлар оралиғларида қурилган спорт майдончалари, шунингдек, кўкаламзорлаштирилган майдонларнинг аксарияти мана шу жойда яшовчи аҳолининг мулк қадрига етмаётгани оқибатида атайлаб яроқсиз ҳолга келтириб қўйилмасди. Ваҳоланки, ҳаммаси ўзимиз учун қилинаётган экан, уларни ўз шахсий мулкимиздек авайлаб-асраш бурчимиз. Шунинг касрида бугун янги беш йилликдаги ишларга жадал киришиш ўрнига, кимларнингдир “бузғунчилик” ишларини қайтадан тузатиш учун 4 та сектор раҳбарлари, барча корхона ва ташкилотлар бир неча кундан буён ободонлаштиришни янгитдан бошлашган. Ачинарлиси, ортиқча ишчи кучи сарфланганидан ташқари, қайтадан қилинаётган ишларга қанча маблағ кетаётганини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган йўналишларда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга ошириш мақсадида туманда ҳам бир қанча режалар бор.

Масалан, туманни комплекс ривожлантириш мақсадида 4 та маҳаллада “Smart Garden” ақлли МТТлар қурилиши, 1 та оилавий поликлиника ва тез тиббий ёрдам станцияси ҳамда 1 та кўп тармоқли шифохона, 2 та умумтаълим, 1 та мусиқа, 1 та “Баркамол авлод”, 1 та “Болалар ва ўсмирлар” спорт мактабини бунёд этиш режага киритилган. Бу объектлар учун лойиҳа ишлари якунланиш арафасида. Шулар баробарида эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш ва реновация дастури асосида 2022-2026 йилларда туманнинг “Йўлдош” мавзесидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган 2 қаватли ёғоч уйларда яшовчилар босқичма-босқич янги хонадонларга кўчирилади. 210 гектарли ҳудудда эса “Янгиҳаёт индустриал парки”ни қуриш кабилар шулар жумласидан.

Халқимизда “Мулк қадрига етган – мулкдор бўлади” деб бежизга айтилмаган. Демоқчимизки, бунёдкорлик ишларини бошлаш аввалида одамлар шуурида маънавият сарчашмаларини чуқурроқ сингдириш кераккка ўхшайди. Аксинча, катта куч ва миллиардлаб маблағ сарфлаб, жойлар обод қилингани билан унинг қадрига етилмаса, барчаси беҳудага кетиши турган гап.

# Биноларни ёнғиндан асрайлик

**Комил ҚОДИРОВ,**
Мирobод тумани ФВБ норматив-техник бўлинмаси бошлиғи.

**Кундан-кун чирой очиб бораётган гўзал пойтахтимиздаги қурилиш, ободонлаштириш ишларини шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида кузатиш мумкин. Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, кўпларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган бир пайтда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам ана шу масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш талаб этилади. Қурилишларда меъёрий талабларнинг бузилиши, аксар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.**

Ислоҳотларни изчил ҳаётга татбиқ этиш йўлида ўз ҳиссаларини қўшаётган бунёдкорлар иш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизликларини, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлашади.

Қурилиш майдонларининг ёнувчи чиқиндилардан доимий равишда тозаланиши, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, ҳудудда очиқ олов ёқилишига, кислород-газ баллонлар, бўёқлар, тез ёнувчан ёғоч материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик, электр-газ пайвандлаш ишлари даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, қурилиш майдонидаги вагончаларда тунги вақтларда ишчи-ходимлар тунаб қолишларига йўл қўймаслик, шунингдек, қурилишларда белгиланган меъёрий қоидаларга ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритишга йўл қўймаслик содир этилиши мумкин бўлган ёнғин ва кўнгилсиз вазиятлардан асраши мумкин.

Нафақат қурилишларда, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз ва давлат мулкини ёнғин офатидан асраймиз. Зеро, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этилса, ҳеч ким зарар кўрмайди.

*Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомга*
*6-ИЛОВА*

## БАНК КАФИЛЛИГИ

Кейинги ўринларда электрон харид иштирокчиси деб аталувчи ____________________
*(оферент ташкилотининг номи)*

____________________ томонидан ўтказилаётган
*(буюртмачи ташкилотининг номи)*

____________________ объект бўйича
*(электрон харид предметининг номи)*

тендерда иштирок этиш учун ўз танлов таклифини тақдим этганлигини инобатга олиб, ушбуни маълум қиладики

____________________
*(юридик манзил)*

манзили бўйича рўйхатдан ўтказилган офисга эга, кейинги ўринларда “Кафил” деб аталувчи ____________________

____________________
*(банк номи)*

электрон харид иштирокчиси олдида ____________________
*(ёзув билан сумма, валюта)*

миқдоридаги мажбуриятни олиб, у бўйича тўлов кўрсатилган электрон харид иштирокчисига у электрон харид ғолиби деб топилган ҳамда буюртмачи ва пудратчи ўртасида шартнома имзоланган тақдирда тўлиқ ва ўз вақтида ҳеч қандай қўшимча шартлар ва талабларсиз амалга оширилади.

Кўрсатилган банкнинг умумий муҳри билан тасдиқланган.

Ушбу кафиллик буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома имзоланган кундан бошлаб __ кун мобайнида кучда қолади ва бу билан боғлиқ ҳар қандай сўров юқорида кўрсатилган муддатдан кечиктирмай банкка берилиши талаб этилади.

**Бошқарувчи** ____________ (Ф.И.О.) ________________

**Бош бухгалтер** ____________ (Ф.И.О.) ________________

***Изоҳ:*** *ушбу кафиллик уни берган банк муассасасининг расмий бланкасида тақдим этилади.*

*Банкнинг (туман ёки вилоят бўлимининг) кафиллигида юқори турувчи банк ёки кредит қўмитаси билан келишилган (рақам ______ сана ______ раҳбарнинг Ф.И.О.) бор лимитлар ва кредит ресурсларининг тасдиғи мавжудлигини ҳисобга олиш талаб этилади.*

***Манба:*** *Lex.uz*



*Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарорига*
*ИЛОВА*

# Қурилиш соҳасида танловларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низом қурилиш соҳасида танловларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

танлов – қурилиш соҳасида давлат харидининг электрон порталда давлат буюртмачилари томонидан қурилиш-пудрат ташкилотлари ишлари (хизматлари)нинг пуллик асосда олиниши;

давлат буюртмачиси – танловини амалга ошираётган юридик шахс (кейинги ўринларда – буюртмачи);

махсус ахборот портали – операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек, танловлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси (кейинги ўринларда – портал);

танловни ўтказиш бўйича махсус ахборот портали оператори – давлат харидларининг субъектларига харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш, махсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг якунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс (кейинги ўринларда – оператор);

танлов ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказлари ва капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов ҳужжатларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш учун лицензияга эга ихтисослашган ташкилот;

оферент – қурилиш соҳасида танловдан манфаатдор бўлган ва электрон танлов таклифини тақдим этадиган, электрон рейтингга киритилган қурилиш-пудрат ташкилоти;

электрон рейтинг – “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги кўрсаткичлари акс эттирилган электрон платформаси;

танлов ҳужжатлари – танлов предметининг молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танловни ташкил этиш шартлари ва ўтказиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги дастлабки ахборотни ўз ичига олувчи, буюртмачи томонидан тайёрланадиган электрон ҳужжатлар тўплами;

танлов предмети – оферент иши ва хизмати;

танлов таклифи – танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ танлов предметига нисбатан оферентнинг портал орқали электрон шаклда тақдим этилган таклифи;

акцепт – буюртмачи томонидан оферентга юбориладиган, уни танлов ғолиби деб эътироф этиш ва шартнома тузишга розилик бериш тўғрисидаги электрон ёзма хабарнома;

захира ижрочиси – танлов якунларига кўра харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолиб деб эътироф этилган оферентнинг танлов таклифидан сўнг танлов таклифи энг мақбул деб топилган оферент.

3. Мазкур Вақтинчалик низом давлат буюртмачиларининг ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 2500 бараваридан ортиқ бўлган қурилиш соҳасидаги танловларига нисбатан татбиқ этилади.

4. Қурилиши мазкур Вақтинчалик низомнинг 3-бандида назарда тутилмаган ҳолатларда мазкур низом талаблари тавсиявий аҳамиятга эга.

5. Мазкур Вақтинчалик низомнинг амал қилиши:

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмайди.

6. Танлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

буюртмачи томонидан танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади;

харид комиссия таркиби тасдиқланади;

танлов ташкилотчиси томонидан танлов ўтказилади;

таклифлар қабул қилинади – талабгорлардан тушган таклифлар автоматик тарзда ҳисобга олинади;

ҳисоблаш натижалари бўйича электрон баённома тузилади;

электрон баённома тўғрисида порталда эълон берилади;

танлов ғолиби билан шартнома тузилади.

## 2-боб. Танлов иштирокчилари

7. Буюртмачи, оператор, танлов ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферент (кейинги ўринларда – харид иштирокчилари) танловнинг асосий иштирокчилари ҳисобланади.

8. Танлов ташкилотчиси буюртмачи томонидан белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари асосида аниқланади.

9. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади.

Харид комиссияси буюртмачи, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси вакилларидан иборат камида 5 кишилик тоқ сонли таркибда шакллантирилади.

Танлов предметига қараб лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари харид комиссияси таркибига киритилиши мумкин.

10. Буюртмачи:

танловни ўтказиш тўғрисида қарорни қабул қилади;

танловни ўтказиш ҳақидаги эълонни порталга жойлаштиради;

танлов ҳужжатлари ва техник вазифалар комплекс экспертизасининг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича ижобий хулоса мавжуд бўлмаса эълонни жойлаштириш тақиқланади;

танловни ўтказиш санасини белгилайди;

харид комиссияси таркибини шакллантиради, унинг ишида қатнашади;

танлов ғолиби билан шартнома тузади;

танловни ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

11. Оператор қуйидагиларни таъминлайди:

харид иштирокчиларининг ўз функцияларини амалга ошириш учун порталдаги шахсий кабинетига киришини;



*Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомга*
*3-ИЛОВА*

## ОБЪЕКТНИ ҚУРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ УМУМИЙ ЖАДВАЛИ (3-шакл)

____________________
*(объект номи)*

**Бўнак тўлаш кейинги молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолда**

| Молиялаштириш шартлари | Қурилиш йиллари ______ йил | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ойлар | | | | | | |
| _________% миқдорида бўнак | янв. | фев. | март | апр. | май | июнь | ... |
| _________% миқдорида кейинги молиялаштириш | | | | | | | |
| 5% миқдорида объектдан фойдаланиш кафолати* | | | | | | | |

** 5% миқдорида объектдан фойдаланиш кафолати “В” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳолаш тоифасига эга бўлган қурилиш-пудрат ташкилотларидан ушлаб қолинмайди ва қурилиш объекти белгиланган тартибда фойдаланишга топширилгандан сўнг тўлаб берилади. Ўз маблағлари ёки кредит маблағларидан фойдаланиш – қурилиш-пудрат ташкилоти ихтиёрига кўра.*

**Ташкилот раҳбарининг имзоси:** __________________

**Тузилган санаси:** 20______йил “_____” ________________

*Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомга*
*4-ИЛОВА*

## ЖАМЛАНМА ЖАДВАЛ, ИШЛАРНИНГ ФИЗИК ҲАЖМЛАРИ ВА ОБЪЕКТГА РЕСУРСЛАР ҚАЙДНОМАСИ, АСОСИЙ НАРХНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КОМПОНЕНТЛАРГА НАРХЛАР ЖАДВАЛИ (4-шакл)

____________________
*(объект номи)*

____________________
*(оферент номи)*

**Жамланма жадвал**

| Т/р | Харажатлар номи | Жорий нархлардаги қиймати |
|---|---|---|
| 1. | Қурилиш материаллари ва конструкциялари | |
| 2. | Кичик механизация воситалари | |
| 3. | Машина ва механизмлар | |
| 4. | Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди | |
| | Сумма (ҚҚСсиз) | |
| | Бошқа харажатлар | |
| | ҚҚС | |
| | Жами қурилиш-монтаж ишлари қиймати | |

***Изоҳ:*** *мазкур жадвал буюртмачи ва оферент-электрон харид ғолиби ўртасида тузилган шартномага нисбатан қўлланилади.*

**1.2. Ишларнинг физик ҳажмлари ва объектга ресурслар қайдномаси**
(1-ш шакл)

| Т/р | Меъёрлар шифри ва рақами | Ишлар тури | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича ишлар ҳажми | Ҳажми | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | бирлик | сумма |
| | | | | | | |
| | Жами: | | | | | |

***Изоҳ:*** *мазкур жадвалда оферент ҳар бир иш тури учун бир бирликни иш ҳажмлари бўйича танлов таклифида ресурсларни акс эттирмасдан тақдим этади.*



қиймати 50 млрд сўмдан 80 млрд сўмгача – “В” ва ундан юқори;

қиймати 80 млрд сўмдан 110 млрд сўмгача – “ВВ” ва ундан юқори;

қиймати 110 млрд сўм ва ундан юқори – “ВВВ” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга.

Танловда ягона оферент иштирок этганда ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаганда, харид комиссияси танловга кириш учун оферентларга нисбатан қўйилган электрон рейтинг баҳони пасайтириш ҳуқуқига эга.

27. Агар танлов предмети ҳисобланган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган оферентлар қўйилади.

Иштирокчилар учун объект йўналишидан ва хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда рейтинг бўйича талабларни аниқлаш Қурилиш вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

## 6-боб. Танлов ҳужжатлари таркиби, тузилиши, уларни тасдиқлаш тартиби

28. Буюртмачи танлов ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди ҳамда эълон билан бир вақтда порталга жойлаштиради.

29. Танлов ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

мазкур Вақтинчалик низомга 1-иловага мувофиқ ишларни бажаришга нарх таклифи;

мазкур Вақтинчалик низомга 2-иловага мувофиқ объектни қуришнинг умумий жадвали;

мазкур Вақтинчалик низомга 3-иловага мувофиқ объект қурилишини молиялаштиришнинг умумий жадвали;

мазкур Вақтинчалик низомга 4-иловага мувофиқ жамланма жадвал, ишларнинг физик ҳажмлари ва объектга ресурслар қайдномаси ҳамда асосий нарх шакллантирувчи компонентларга нархлар жадвали;

мазкур Вақтинчалик низомга 5-иловага мувофиқ танлов таклифини таъминлаш кафолати;

мазкур Вақтинчалик низомга 6-иловага мувофиқ танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этишга банк кафиллиги;

агар танлов предмети ҳисобланган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, тегишли лицензия нусхаси;

шартнома лойиҳаси.

30. Танлов ҳужжатларининг шакллари ва иловалари намуналари, шартнома лойиҳаси буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади.

31. Буюртмачи, харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорни, иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қабул қилишга ҳақли.

Бунда танлов иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб камида беш иш кунига узайтирилади. Агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, эълонга ўзгартиришлар киритилади.

32. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида танлов предмети ва турини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

33. Зарур ҳолларда буюртмачи, харид комиссиясининг ташаббуси билан харид комиссияси қарори асосида танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириши ёки оферентларга уларнинг танлов таклифлари амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисида таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.

34. Таклифларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар оферент ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш ёки қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

## 7-боб. Танлов таклифини бериш тартиби

35. Оферент шахсий кабинетдан фойдаланган ҳолда танлов ҳужжатларининг иловаларини тўлдириш ва юклаш (электрон шаклда “pdf” форматда сканер қилинган ҳужжатларни) йўли билан порталга таклифини ЭРИ билан тасдиқлаган ҳолда эълонда белгиланган муддатдан кечиктирмай юборади.

36. Танлов таклифи билан биргаликда оферентлар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни жойлаштириши мумкин.

37. Оферент тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги учун жавоб беради.

38. Портал томонидан танлов таклифларининг қабул қилиниши порталда жойлаштирилган эълонда белгиланган кун тугаши билан соат 00:00 да тўхтатилади.

39. Иштирокчилар таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар портал харид иштирокчилари томонидан кўриш имкониятини чеклайди.

40. Танлов ҳужжатлари бўйича тушунтириш олиш мақсадида, оферентлар томонидан юбориладиган мурожаатларни қабул қилиш буюртмачи томонидан эълонни тугаш муддатидан икки кун олдин тўхтатилади. Келиб тушган барча мурожаатларга буюртмачи томонидан очиқ электрон чат орқали икки кун муддатда тушунтиришлар берилиши шарт.

## 8-боб. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

41. Харид комиссияси тушган танлов таклифларини уларни тақдим этиш муддати тугаган пайтдан бошлаб ўн кун ичида кўриб чиқади.

42. Харид комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов таклифларини рад этади:

таклифлар танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда;

оферентнинг комиссия аъзоси билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, шунингдек, банкротлик ёки тугатиш босқичида бўлса.

43. Танлов қуйидаги ҳолларда амалга ошмаган деб ҳисобланади:

ягона оферент иштирок этган ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаган тақдирда. Бундай ҳолатда буюртмачи танловни танлов ҳужжатларида белгиланган айни ўша шартларда ва ишларга (хизматларга) доир айни ўша талабларга мувофиқ такроран ўтказиши шарт. Бунда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишга, электрон рейтинг баҳоси қисмидаги оферентнинг танловга кириш талабини пасайтиришга йўл қўйилади;

танлов таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча танлов таклифларини рад этса;

ғолиб ва захира ғолиби шартнома тузишни рад этса.

Танлов амалга ошмаган деб ҳисобланган тақдирда, танловни белгиланган тартибда такроран ўтказиш бўйича эълон берилади.

44. Оферентнинг умумий баллари йиғиндисини якуний ҳисоблаш учун портал томонидан автоматик режимда ҳисобланадиган қуйидаги формуладан фойдаланилади:

**ЯБ = (РБ * 0,6) + (5 – (бирдан бешгача)) + ((ББН – ОН) * 35 / (ББН – ЭТН)):**

ЯБ – оферентнинг якуний бали;

РБ – электрон рейтинг доирасида олинган балл;

0,6 – оферент томонидан электрон рейтинг доирасида олинган баллнинг оферентнинг умумий якуний балидаги улушини аниқловчи коэффициент;

(5 – (бирдан бешгача)) – оферентнинг ишни (хизматни) бажариш муддатининг танлов ҳужжатларида белгиланган муддатга мувофиқлигини аниқловчи ифода (оферентнинг ишни (хизматни) бажариш муддати танлов ҳужжатларида белгиланган муддатга мувофиқ бўлганда ёки оферентнинг ишни (хизматни) бажариш муддати танлов ҳужжатларида белгиланган муддатдан олдинроқ бўлганда оферент 5 балл олади, ҳар бир 10 кун миқдоридан ошганлик учун 5 дан 1 балл олиб ташланади, бироқ 5 баллдан ортиқ бўлмаслиги керак);

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (561) 2022 йил 4 февраль

электрон рейтингга киритилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг рўйхатини ва электрон рейтинг тоифаси ҳақидаги ахборотни тақдим этишни;

танлов таклифларини автоматик равишда баҳоланишини;

оферентларни танлов таклифларига ва уларни баҳолаш натижаларига кириш муддати ҳақида автоматик равишда хабардор қилиш;

оферентларнинг танлов ҳужжатларидан фойдаланишни;

танлов комиссияси аъзоларининг танлов таклифларини ўрганишни;

танлов иштирокчилари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини;

тизимни доимий равишда ишлашини.

12. Танлов ташкилотчиси:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни, танловни ўтказишга танлов ҳужжатларини расмийлаштиради;

танлов ҳужжатлари ва техник вазифалар комплекс экспертизасининг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича ижобий хулоса мавжуд бўлмаса эълонни расмийлаштириши тақиқланади;

харид комиссиясининг танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари тўғрисидаги электрон баённомани расмийлаштиради;

танлов ғолиблари ҳақидаги ахборотни порталга жойлаштиради.

13. Харид комиссияси:

танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини белгилайди;

таклиф киритиш тартибини, шаклини ва уни таъминлаш ҳажмини 2 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилайди;

танлов таклифларининг тўғри расмийлаштирилишини текширади;

14. Харид комиссияси томонидан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган маълумотларни оферентлардан талаб этишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси оферентларнинг тижорат сирлари махфийлигини таъминлайди.

15. Харид комиссияси аъзоларининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун портал харид комиссияси аъзоларининг ёпиқ электрон маълумот алмашиш (чат) имкониятини таъминлайди.

16. Харид комиссиясининг қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

### 3-боб. Танлов иштирокчиларининг шахсий кабинети

17. Танлов иштирокчилари порталда шахсий кабинетлари орқали иштирок этадилар.

Буюртмачи ва иштирокчилар ўзларининг солиқ органлари томонидан берилган электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда порталда рўйхатдан ўтиши талаб этилади.

Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бюджет буюртмачиларини харидга киритиш автоматик тарзда Молия вазирлиги ва операторнинг маълумотлар базаларини интеграция қилиш орқали амалга оширилади.

Корпоратив буюртмачиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги электрон шаклдаги сўровнома-аризани (кейинги ўринларда – сўровнома) тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

18. Рўйхатдан ўтгандан сўнг автоматик равишда танлов иштирокчисининг шахсий кабинети шакллантирилади. Танлов иштирокчисининг шахсий кабинетига кириш ЭРИдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Танлов иштирокчиси (юридик шахс) тугатилганда унинг шахсий кабинетига киритилган маълумотлар порталнинг маълумотлар архивига юборилади ва белгиланган тартибда сақланади.

20. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши ёки қарши овоз бериши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада асослантирилган тушунтириш қолдириши шарт.

21. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси иштирокчиларни таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кунга қадар харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни порталга киритиши шарт.

22. Харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ва/ёки тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентлар танловга қўйилмайди.

### 4-боб. Танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

23. Буюртмачи томонидан танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, танлов ўтказиш ҳақидаги эълон (кейинги ўринларда – эълон) тайёрланади ва порталга жойлаштирилади.

24. Эълонга қуйидаги маълумотлар киритилади:

ишнинг (хизматнинг) батафсил тавсифи;

қурилиш объектининг қиймати;

оферентларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

агар танлов предмети ҳисобланган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, лицензия мавжудлиги ҳақидаги талаб;

таклифларни юбориш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни таъминлаш кафолатининг қиймати.

25. Иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати порталда эълон қилинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

### 5-боб. Оферентларнинг танловга кириши

26. Оферент объектнинг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб, қурилиш ташкилотларининг қуйидаги электрон рейтингида ижобий кўрсаткичларга эга бўлганда танловга киритилади:

**I хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

қиймати 1 млрд сўмгача – “DD” ва ундан юқори;

қиймати 1 млрд сўмдан 2 млрд сўмгача – “DDD” ва ундан юқори;

қиймати 2 млрд сўмдан 6 млрд сўмгача – “C” ва ундан юқори;

қиймати 6 млрд сўм ва ундан юқори – “CC” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

**II хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

қиймати 5 млрд сўмгача – “CC” ва ундан юқори;

қиймати 5 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача – “CCC” ва ундан юқори;

қиймати 10 млрд сўмдан 20 млрд сўмгача – “B” ва ундан юқори;

қиймати 20 млрд сўмдан 30 млрд сўмгача – “BB” ва ундан юқори;

қиймати 30 млрд сўм ва ундан юқори – “BBB” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

**III хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

қиймати 10 млрд сўмгача – “CC” ва ундан юқори;

қиймати 10 млрд сўмдан 20 млрд сўмгача – “CCC” ва ундан юқори;

қиймати 20 млрд сўмдан 40 млрд сўмгача – “B” ва ундан юқори;

қиймати 40 млрд сўм ва ундан юқори – “BB” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

**IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

қиймати 20 млрд сўмгача – “CC” ва ундан юқори;

қиймати 20 млрд сўмдан 50 млрд сўмгача – “CCC” ва ундан юқори;



**1.3. Асосий нархни шакллантирувчи компонентларга нархлар жадвали**

| Т/р | Компонент номи | **Ўлчов бирлиги** | **Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича ишлар ҳажми** | **Бирлик учун нарх** | **Сумма** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Меҳнат харажатлари | | | | |
| 2. | Электр энергияси | | | | |
| 3. | Ёқилғи-мойлаш материаллари | | | | |
| 4. | Металл | | | | |
| 5. | Цемент | | | | |
| 6. | Қум | | | | |
| 7. | Йиғма темир-бетон маҳсулотлари | | | | |
| 8. | Ёғоч материаллари | | | | |
| 9. | Ғишт (завод-ишлаб чиқарувчи) | | | | |
| 10. | Бошқа материаллар | | | | |
| 11. | Таваккалчилик коэффициенти | | | | |

*Компонентлар сони чегараланмайди ва оферент томонидан техник жиҳатлардан келиб чиқиб тўлдирилади.*

Шу жумладан, ҳар бир аниқ объект бўйича компонентлар ва асосий қурилиш материаллари номенклатураси объект қурилиши қийматининг 100 фоизини ташкил қилувчи асосий нархни шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.

**Ташкилот раҳбари имзоси:** _________________

**Тузилган санаси:** 20 _____ йил “______” _________

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини
ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
*Вақтинчалик низомга*
*5-ИЛОВА*

## ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ТАКЛИФИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

______________________________________________
*(оферент номи)*

______________________________________________ томонидан ўтказилаётган

______________________________________________
*(буюртмачи номи)*

______________________________ ни харид қилишга
*(электрон харид предмети)*

танлов таклифини тақдим этган оферент шуни маълум қиладики, ______________________________
*(юридик манзил)*

манзили бўйича рўйхатдан ўтказилган офисга эга, кейинги ўринларда “БАНК” деб аталувчи ________________ нинг
*(банк номи)*

оферент олдида ______________________________________________
*(рақам ва ёзув билан сумма, шунингдек, валюта кўрсатилсин)*

миқдорида мажбурияти бўлиб, у бўйича тўлов кўрсатилган буюртмачига тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилади.

Мажбурият банк томонидан кафолатланади.

Юқорида кўрсатилган суммани қуйидаги шартлар билан тўлаш мажбурияти олинади, агар:

1) оферент ўз танлов таклифини танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагандан сўнг чақириб олса;

2) оферент буюртмачи томонидан танлов таклифи акцептлангани ҳақида хабарнома олса ва шартнома тузишни рад этса. Бу ҳолда БАНК буюртмачининг биринчи ёзма талабига кўра сўровни асослантиришни талаб этмасдан кафолат суммасини тўлайди.

Агар:

а) ўз сўровида буюртмачи кафолат суммасини тўлаш юқорида кўрсатилган ҳоллардан бири ёки ҳар иккаласи юзага келганлиги билан боғлиқлигини, содир бўлган ҳолатларни баён этган ҳолда кўрсатса;

б) буюртмачи ва электрон харид ғолиби ўртасида тузилган шартномага қурилишни ўз вақтида тугатишга тўсқинлик қилувчи, ишлар ҳажми ва тузилишига ўзгартиришлар киритилмаган бўлса.

Ушбу танлов таклифини таъминлаш кафолати танлов таклифлари очилган пайтдан бошлаб ___ кун мобайнида (20__ йил “___” ______) амал қилади ва у билан боғлиқ сўровлар БАНКка юқорида кўрсатилган муддатлар доирасида юборилиши керак.

БАНКнинг умумий муҳри билан тасдиқланган.

**Бошқарувчи** ____________ (Ф.И.О.) ________________

**Бош бухгалтер** ____________ (Ф.И.О.) ________________

***Изоҳ.*** *ушбу кафолат бош банкнинг фирма бланкасида белгиланган тартибда тақдим этилади.*



ББН – буюртмачининг бошланғич нархи;

ОН – оферентнинг нархи;

35 – оферент томонидан танлов таклифи бўйича олинган баллнинг оферентнинг умумий якуний балидаги улушини аниқловчи коэффициент;

ЭТН – танлов таклифининг энг кам нархи.

Оферент танлов таклифини энг кам нарх билан берган тақдирда, у 35 балл олади ва формуланинг иккинчи қисми – ((ББН – ОН) * 35 / (ББН – ЭТН)) ифодаси ҳисобланмайди.

Харид иштирокчисининг чегирмаси бошланғич нархга нисбатан 10 фоиздан кўп бўлган тақдирда, ушбу иштирокчи харид жараёнидан четлаштирилади.

45. Автоматлаштирилган ҳисоблаш натижалари бўйича танлов ғолиби ва захира ғолиби аниқланади.

46. Танлов ғолибини аниқлаш якунларига кўра харид комиссияси аъзолари бир иш куни ичида ўз электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда электрон баённомани тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик режимда эълон қилинади.

47. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳақидаги электрон баённомада қуйидаги ахборотлар акс эттирилади:

танлов таклифларини кўриб чиқиш, баҳолаш санаси ва вақти;

харид комиссияси иштирок этган аъзолар ва оферентлар ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифларини баҳолаш натижаси;

қабул қилинган қарор, танлов ғолиби ва захира ғолиби ҳақидаги маълумот.

### 9-боб. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш

48. Буюртмачи танлов ғолиби аниқланган пайтдан бошлаб ғолиб ташкилотга икки иш куни ичида танлов якунларига кўра акцепт юборади. Акцепт юборилган вақтдан бошлаб танлов тугалланган ҳисобланади.

49. Акцепт танлов бекор қилинмаган ҳамда танлов тартиб-таомиллари бузилмаган тақдирда юборилиши мумкин.

50. Буюртмачи ғолиб бўлган танлов таклифи акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда, буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.

51. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган оферент томонидан берилган танлов таклифида кўрсатилган шартлар асосида танлов ғолиби эълон қилинган пайтдан бошлаб ўн кун муддатдан кечикмай тузилади.

52. Танлов ғолиби акцептни тасдиқлашдан ёки шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи захира ғолибига ўтади ва танлов ғолибига танлов таклифини таъминлаш суммаси қайтариб берилмайди. Бунда захира ғолиби танлов ғолиби томонидан ёки танлов таклиф этилган нарх бўйича шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Захира ғолибига, у шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, танлов таклифини таъминлаш суммаси қайтариб берилмайди.

Ғолиб ёки захира ғолиби шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, танлов амалга ошмаган деб ҳисобланади ва танловни такроран ўтказиш эълон қилинади.

53. Буюртмачи қуйидаги ҳоллардан бири рўй бергандан сўнг танлов таклифини таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни уч иш куни ичида қайтаради ёки унинг қайтарилишини таъминлайди:

танлов таклифини таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаганда;

танлов тўғрисидаги шартнома кучга кирганда ва ушбу шартнома ижросини таъминлашни тақдим этиш, агар бундай таъминлаш танлов ҳужжатлари шартларида талаб этилса;

танлов бекор қилинганда;

танлов таклифларини юборишнинг охирги муддати тугагунига қадар танлов таклифининг чақириб олиниши, агар танлов шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

### 10-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари

54. Қурилиш соҳасида электрон танлов порталида тузилган битим рўйхатга олинади, оферент ўз фармойиши асосида ҳар бир объект учун шахсий ҳисоб варағидан операторнинг воситачилик шартнома асосида тўлов ечиб олинади.

### 11-боб. Харид иштирокчиларининг жавобгарлиги

55. Харид иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

56. Буюртмачи қуйидагилар учун жавоб беради:

харид комиссиясини шакллантиришда унинг таркибига доир талабларга риоя этиш;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузиш муддатининг бузилганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги учун “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига маълумотларни киритмаганлиги ёки нотўғри маълумотлар киритганлиги.

57. Оператор қуйидагилар учун жавоб беради:

буюртмачига тақдим этилиши лозим бўлган иштирокчиларнинг таклифлари ва электрон рейтинг ҳақидаги маълумотларнинг ҳамда порталга юклатилган таклифларнинг тузилмасидаги ҳужжатлар бутлигига;

электрон танлов таклифларининг тарафлар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши тугаллангандан сўнг қонунчиликда белгиланган муддатда сақланишига;

харид иштирокчилари томонидан киритилган маълумотларнинг эълон муддати давомида махфийлигини таъминлашга.

58. Харид комиссияси қуйидаги ваколатларга эга эмас:

оферентдан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни асоссиз талаб этишга;

оферентларнинг тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлар бузилишига;

харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари бўлган, шунингдек, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентларнинг танловда иштирок этишга йўл қўйишга;

оферентнинг танловда иштирок этишдан асоссиз равишда четлатишга;

танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддатларини ўзгартиришга;

танлов тартиб-таомилларининг бошқа белгиланган талабларини бузишга.

59. Оферент ўзи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

### 12-боб. Якунловчи қоидалар

60. Танлов натижаларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни ташкил этиш, шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда шикоятлар, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

61. Оператор танловга тааллуқли барча ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлайди.

62. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низом асосида амалга ошириладиган тартиботлар мазкур Вақтинчалик низом талабларига зид бўлмаган тақдирда қўлланилади.

63. Вақтинчалик низом талабларини бузганликда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



*Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини*
*ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги*
*Вақтинчалик низомга*
*1-ИЛОВА*

______________________________________________
*(буюртмачи номи)*

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА НАРХ ТАКЛИФИ
## (1-шакл)

______________________________________________
*(объект номи)*

1. Биз, оферент сифатида, қуйида имзо чекувчилар, қурилиш ишлари ҳудудини текширганлигимизни, электрон хариднинг умумий, техник ва тижорат талабларини ўрганиб чиққанлигимизни тасдиқлаймиз ҳамда электрон харид шартларига мувофиқ барча ишларни (қурилиш ишларининг камида 30 фоизи ўз кучимиз билан)

______________________________________________

______________________________________________
*(рақам ва ёзув билан сумма, ҚҚС билан)*

сўмга бажариш ва тугатишни ҳамда барча аниқланган нуқсонларни белгиланган вақтда бартараф этишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг (оферент) танлов таклифимиз қабул қилинган тақдирда, буюртмачи ишларни бошлаш ҳақида хабардор қилган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун ичида ишларни бошлаш ва ишлар бошлангандан эътиборан __________кун мобайнида барча ишларни тугатиш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг (оферент) таклифимиз танлов таклифларини баҳолаш учун очилган кундан бошлаб ______(рақам ва ёзув билан) календарь кун мобайнида ҳақиқийдир.

4. Шартнома тузилгунга қадар танлов таклифининг акцепти ўртамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Биз, оферент сифатида, олган акцепт биз (оферент) сиз (буюртмачи) билан расмий шартнома тузиш мажбуриятини олишимизни ва биз (оферент) унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлайди.

6. Буюртмачи, харид комиссияси бошқа иштирокчилар томонидан тақдим этилган танлов таклифларидан энг паст нарх танлов таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

7. Қурилиш жараёнига жалб қилинган ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаймиз.

8. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни харид комиссияси мажлисларининг электрон баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида биринчи молия йили мобайнида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

9. Шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотлари электрон харид ташкилотчисига белгиланган шаклда, қурилишнинг бутун даври мобайнида ҳар ойнинг 2-кунига қадар тақдим этиб борилишини кафолатлаймиз.

**Ташкилот раҳбарининг имзоси:** _________________

**Тузилган санаси:** 20______йил “_____” _________________

*Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини*
*ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги*
*Вақтинчалик низомга*
*2-ИЛОВА*

## ОБЪЕКТНИ ҚУРИШНИНГ УМУМИЙ ЖАДВАЛИ
## (2-шакл)

______________________________________________
*(объект номи)*

| **Т/р** | **Ишлар номи** | **Ишларни бошлаш санаси** | **Ишларни тугатиш санаси** |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

**Изоҳ:**

*1. Жадвалда ишларнинг умумий дастури (объектнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари келтирилган.*

*2. Объектни қуришнинг умумий жадвалида белгиланган муддатларда ишларнинг алоҳида босқичлари тугатилгандан ва қабул қилингандан сўнг қурилиш-пудрат ташкилотининг қўшимча мажбуриятлари буюртмачи билан тузилган шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.*

**Ташкилот раҳбарининг имзоси:** _________________

**Тузилган санаси:** 20______йил “_____” _________________

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “AVANGARD-KREDIT” МЧЖнинг 2022 йил 2 февралдаги 1-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 26 январдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 3729 | Серьга 1 шт. о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр. 750 пр. | 739 050,00 |
| 2. | 3885 | Кольцо о.в. 2,94 гр., ч.в. 2,94 гр. 583 пр. | 1 083 076,20 |
| 3. | 3948 | Серьги о.в. 5,26 гр., ч.в. 5,00 гр. 583 пр. | 1 726 325,00 |
| 4. | 4012 | Кольцо о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,95 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,90 гр., ч.в. 2,90 гр. 583 пр.; цепь о.в. 4,95 гр., ч.в. 4,95 гр. 583 пр. | 3 729 660,00 |
| 5. | 4060 | Серьги о.в. 5,83 гр., ч.в. 5,00 гр. 583 пр.; серьги о.в. 6,13 гр., ч.в. 6,13 гр. 583 пр. | 3 842 345,70 |
| 6. | 4153 | Кольцо о.в. 0,86 гр., ч.в. 0,86 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 4,95 гр., ч.в. 4,95 гр. 583 пр.; серьги о.в. 1,92 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр.; серьги о.в. 6,42 гр., ч.в. 5,50 гр. 583 пр.; цепь о.в. 8,38 гр., ч.в. 8,38 гр. 583 пр.; кулон о.в. 0,77 гр., ч.в. 0,77 гр. 583 пр. | 8 359 500,00 |
| 7. | 4257 | Серьги о.в. 4,34 гр., ч.в. 3,00 гр. 583 пр. | 1 139 858,40 |
| 8. | 4270 | Серьги о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,40 гр. 583 пр. | 936 000,00 |
| 9. | 4329 | Кольцо о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,40 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,70 гр. 583 пр. | 1 593 510,00 |
| 10. | 4334 | Кольцо о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр. | 739 050,00 |
| 11. | 4349 | Цепь о.в. 3,02 гр., ч.в. 3,02 гр. 583 пр.; кулон о.в. 1,19 гр., ч.в. 1,15 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 0,86 гр., ч.в. 0,80 гр. 583 пр.; серьги о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,60 гр. 583 пр. | 2 875 200,00 |
| 12. | 4358 | Кольцо о.в. 1,73 гр., ч.в. 1,73 гр. 375 пр.; кольцо о.в. 2,54 гр., ч.в. 2,20 гр. 583 пр.; цепь о.в. 6,51 гр., ч.в. 6,51 гр. 583 пр.; цепь о.в. 8,08 гр., ч.в. 8,08 гр. 583 пр.; серьги о.в. 4,90 гр., ч.в. 4,50 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,32 гр., ч.в. 2,50 гр. 375 пр.; кольцо о.в. 1,76 гр., ч.в. 1,20 гр. 375 пр.; кольцо о.в. 2,05 гр., ч.в. 1,80 гр. 375 пр. | 10 101 750,00 |
| 13. | 4418 | Кольцо о.в. 4,18 гр., ч.в. 3,00 гр. 583 пр.; серьги о.в. 4,40 гр., ч.в. 4,20 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,00 гр. 583 пр.; кулон о.в. 0,70 гр., ч.в. 0,70 гр. 583 пр. | 3 587 250,00 |
| 14. | 4462 | Цепь о.в. 4,41 гр., ч.в. 4,41 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 7,46 гр., ч.в. 7,46 гр. 750 пр. | 4 899 846,00 |
| 15. | 4479 | Кольцо о.в. 4,61 гр., ч.в. 4,61 гр. 583 пр. | 1 763 836,40 |
| 16. | 4547 | Серьги о.в. 3,32 гр., ч.в. 2,50 гр. 583 пр.; браслет о.в. 23,13 гр., ч.в. 22,90 гр. 583 пр. | 10 026 000,00 |
| 17. | 4565 | Кольцо о.в. 6,30 гр., ч.в. 6,20 гр. 583 пр. | 2 481 300,00 |
| 18. | 4594 | Кольцо о.в. 1,95 гр., ч.в. 1,70 гр. 583 пр. | 708 750,00 |
| 19. | 4618 | Кольцо о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр. | 739 050,00 |
| 20. | 4645 | Кольцо о.в. 2,14 гр., ч.в. 2,00 гр. 583 пр. | 784 500,00 |
| 21. | 34 | Цепь о.в. 5,16 гр., ч.в. 5,16 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,24 гр., ч.в. 3,00 гр. 583 пр. | 3 238 800,00 |
| 22. | 118 | Кольцо о.в. 4,02 гр., ч.в. 3,10 гр. 583 пр.; серьги о.в. 0,90 гр., ч.в. 0,75 гр. 583 пр. | 1 542 000,00 |
| 23. | 162 | Кулон о.в. 2,10 гр., ч.в. 2,10 гр. 583 пр.; цепь о.в. 12.65 гр., ч.в. 12.65 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,23 гр. 583 пр. | 6 693 000,00 |
| 24. | 196 | Серьги о.в. 5,15 гр., ч.в. 4,00 гр. 583 пр. | 1 617 750,00 |
| 25. | 223 | Кольцо о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр.; цепь о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,60 гр. 583 пр. | 1 308 690,00 |
| 26. | 227 | Кольцо о.в. 5,74 гр., ч.в. 4,60 гр. 583 пр. | 1 390 500,00 |
| 27. | 254 | Цепь о.в. 6,59 гр., ч.в. 6,59 гр. 583 пр.; кулон о.в. 0,88 гр., ч.в. 0,88 гр. 583 пр.; серьги о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,00 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,34 гр., ч.в. 2,00 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,00 гр. 583 пр.; серьги о.в. 4,76 гр., ч.в. 4,50 гр. 583 пр. | 7 526 250,00 |
| 28. | 263 | Цепь о.в. 3,25 гр., ч.в. 3,25 гр. 583 пр.; кулон о.в. 0,87 гр., ч.в. 0,87 гр. 583 пр. | 1 542 000,00 |
| 29. | 268 | Кольцо о.в. 2,82 гр., ч.в. 2,40 гр. 583 пр. | 784 500,00 |
| 30. | 297 | Кольцо о.в. 1,98 гр., ч.в. 1,90 гр. 583 пр.; цепь о.в. 3,51 гр., ч.в. 3,51 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,20 гр. 583 пр. | 2 526 750,00 |
| 31. | 333 | Браслет о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр. | 739 050,00 |
| 32. | 352 | Цепь о.в. 16.84 гр., ч.в. 16.84 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,72 гр., ч.в. 3,72 гр. 583 пр. | 8 208 000,00 |
| 33. | 412 | Серьги о.в. 3,73 гр., ч.в. 3,30 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 1,95 гр., ч.в. 1,70 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 1,81 гр., ч.в. 1,60 гр. 583 пр.; серьги о.в. 2,38 гр., ч.в. 2,20 гр. 583 пр.; серьги о.в. 1,13 гр., ч.в. 1,00 гр. 583 пр. | 3 966 000,00 |
| 34. | 414 | Кулон о.в. 2,47 гр., ч.в. 2,20 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,27 гр., ч.в. 2,20 гр. 583 пр. | 1 569 290,20 |
| 35. | 435 | Кольцо о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр. | 680 804,31 |
| 36. | 445 | Цепь о.в. 12.42 гр., ч.в. 12.42 гр. 583 пр. | 4 875 000,00 |
| 37. | 468 | Кулон о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,67 гр. 583 пр.; цепь о.в. 2,16 гр., ч.в. 2,16 гр. 583 пр.; браслет о.в. 1,18 гр., ч.в. 1,18 гр. 583 пр.; серьги о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,80 гр. 583 пр.; серьги о.в. 6,93 гр., ч.в. 6,93 гр. 750 пр.; кольцо о.в. 4,59 гр., ч.в. 4,59 гр. 750 пр. | 9 117 000,00 |
| 38. | 490 | Цепь о.в. 6,85 гр., ч.в. 6,85 гр. 583 пр. | 2 299 500,00 |
| 39. | 498 | Серьги о.в. 5,39 гр., ч.в. 5,20 гр. 583 пр. | 1 532 960,50 |
| 40. | 550 | Браслет о.в. 14.89 гр., ч.в. 14.00 гр. 583 пр. | 5 556 750,00 |
| 41. | 602 | Кольцо о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,30 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,09 гр., ч.в. 2,90 гр. 583 пр.; серьги о.в. 5,38 гр., ч.в. 5,00 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,30 гр. 583 пр. | 4 768 950,00 |
| 42. | 643 | Кольцо о.в. 3,00 гр., ч.в. 2,90 гр. 583 пр. | 1 178 400,00 |
| 43. | 779 | Цепь о.в. 13,08 гр., ч.в. 13,08 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,38 гр., ч.в. 2,80 гр. 583 пр.; серьги о.в. 6,38 гр., ч.в. 5,00 гр. 583 пр. | 7 333 845,00 |
| 44. | 780 | Цепь о.в. 3,96 гр., ч.в. 3,96 гр. 583 пр.; кулон о.в. 4,54 гр., ч.в. 3,15 гр. 583 пр. | 2 829 750,00 |
| 45. | 795 | Серьги о.в. 6,90 гр., ч.в. 6,50 гр. 583 пр.; серьги о.в. 4,35 гр., ч.в. 4,00 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 4,27 гр., ч.в. 4,00 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,81 гр., ч.в. 2,70 гр. 583 пр. | 6 541 500,00 |
| 46. | 849 | Кольцо о.в. 3,38 гр., ч.в. 3,30 гр. 583 пр. | 936 000,00 |
| 47. | 865 | Серьги о.в. 4,06 гр., ч.в. 4,06 гр. 583 пр. | 1 617 750,00 |
| 48. | 875 | Серьги о.в. 3,37 гр., ч.в. 3,20 гр. 583 пр. | 1 314 750,00 |
| 49. | 890 | Кольцо о.в. 3,18 гр., ч.в. 3,18 гр. 583 пр. | 1 284 450,00 |
| 50. | 904 | Цепь о.в. 5,91 гр., ч.в. 5,91 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,00 гр. 583 пр.; серьги о.в. 4,90 гр., ч.в. 4,50 гр. 583 пр. | 5 011 350,00 |
| 51. | 928 | Кольцо о.в. 5,42 гр., ч.в. 5,42 гр. 583 пр. | 2 148 000,00 |
| 52. | 947 | Кольцо о.в. 1,45 гр., ч.в. 1,45 гр. 583 пр.; браслет о.в. 3,19 гр., ч.в. 3,19 гр. 583 пр.; цепь о.в. 5,21 гр., ч.в. 5,21 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,81 гр., ч.в. 2,00 гр. 583 пр. | 4 723 500,00 |
| 53. | 948 | Кольцо о.в. 1,24 гр., ч.в. 1,24 гр. 583 пр. | 496 650,00 |
| 54. | 972 | Цепь о.в. 7,52 гр., ч.в. 7,52 гр. 583 пр. | 3 057 000,00 |
| 55. | 1032 | Цепь о.в. 11.36 гр., ч.в. 11.36 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 5,41 гр., ч.в. 4,00 гр. 583 пр.; серьги о.в. 8,77 гр., ч.в. 6,00 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,50 гр. 583 пр. | 9 874 500,00 |
| 56. | 1154 | Кольцо о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,54 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 1,14 гр., ч.в. 1,14 гр. 583 пр. | 1 087 500,00 |
| 57. | 1156 | Кольцо о.в. 1,60 гр., ч.в. 1,60 гр. 583 пр. | 663 300,00 |
| 58. | 1178 | Кольцо о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,20 гр. 583 пр. | 860 250,00 |
| 59. | 1186 | Браслет о.в. 2,36 гр., ч.в. 2,36 гр. 583 пр.; цепь о.в. 5,15 гр., ч.в. 5,15 гр. 583 пр. | 2 981 250,00 |
| 60. | 1197 | Браслет о.в. 5,42 гр., ч.в. 5,42 гр. 583 пр. | 2 148 000,00 |
| 61. | 1204 | Кольцо о.в. 3,36 гр., ч.в. 3,36 гр. 583 пр. | 1 239 000,00 |
| 62. | 1215 | Кольцо о.в. 2,68 гр., ч.в. 2,50 гр. 375 пр.; серьги о.в. 5,49 гр., ч.в. 5,00 гр. 375 пр. | 1 769 250,00 |
| 63. | 1246 | Кольцо о.в. 1,88 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,51 гр., ч.в. 2,20 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 3,05 гр., ч.в. 2,90 гр. 583 пр.; серьги о.в. 7,58 гр., ч.в. 6,60 гр. 583 пр. | 5 329 500,00 |
| 64. | 1277 | Кольцо о.в. 1,37 гр., ч.в. 1,10 гр. 583 пр.; серьги о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,50 гр. 583 пр. | 1 845 000,00 |
| 65. | 1296 | Кольцо о.в. 2,11 гр., ч.в. 1,90 гр. 583 пр. | 784 500,00 |
| 66. | 1329 | Кольцо о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,80 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,00 гр. 375 пр. | 1 193 550,00 |
| 67. | 1398 | Серьги о.в. 4,34 гр., ч.в. 3,90 гр. 583 пр.; кольцо о.в. 2,77 гр., ч.в. 2,00 гр. 583 пр. | 2 375 250,00 |
| 68. | 1414 | Часы “TISSOT” о.в. 57,23 гр., ч.в. 26,30 гр. 750 пр. | 10 329 000,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **214 292 197,71** |

Аукцион савдолар **2022 йил 10 март** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 7 март куни соат 16.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 10 март** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 24 март ва 7 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati chegara qo‘shinlarининг 2021 йил 23 июлдаги 30/4/1-11095-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳрида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари бутловчи қисмлари қўйилмоқда:**

1. Автосирена 32 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 600 000 сўм. **Жами** – 19 200 000 сўм.
2. Автосирена (без пульта) 6 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 350 000 сўм. **Жами** – 2 100 000 сўм.
3. Автомобильный самбуфер “KLONG” 4 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 500 000 сўм. **Жами** – 2 000 000 сўм.
4. Автоколонка “PIONER” 32 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 700 000 сўм. **Жами** – 22 400 000 сўм.
5. Автоколонка “KENWOOD” 5 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 700 000 сўм. **Жами** – 3 500 000 сўм.
6. Автомагнитофон “JSD” 192 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 28 800 000 сўм.
7. Автомагнитофон “JD” 19 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 2 850 000 сўм.
8. Автомагнитофон “GB” 30 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 4 500 000 сўм.
9. Автомагнитофон “CDX” 89 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 13 350 000 сўм.
10. Автомагнитофон “BOS” 2 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 300 000 сўм.
11. Автомагнитофон “UNP” 4 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 600 000 сўм.
12. Автомагнитофон “XBTQD” 9 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 1 350 000 сўм.
13. Автомагнитофон “D-TRQ” 8 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 1 200 000 сўм.
14. Автомагнитофон “HD-520” 39 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 5 850 000 сўм.
15. Автомагнитофон “PIONER” (950/317/DEH-XY1775SBT) 149 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 120 000 сўм. **Жами** – 17 880 000 сўм.
16. Автомагнитофон “ULTRA SONIK” 20 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 150 000 сўм. **Жами** – 3 000 000 сўм.
17. Зеркало заднего вида “BROZDWAY” (авто) 92 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 50 000 сўм. **Жами** – 4 600 000 сўм.
18. Автомонитор “TFTLCD color monitor” 18 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 130 000 сўм. **Жами** – 2 340 000 сўм.
19. Автошина NEXEN 5.00 R 12 (Корея) 4 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 600 000 сўм. **Жами** – 2 400 000 сўм.
20. Трактор балони (Алтай) 9.5-32 В-110 2 дона, **ҳар бирининг бошланғич нархи** – 1 750 000 сўм. **Жами** – 3 500 000 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 11 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 9 февраль куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари бутловчи қисмлари 2022 йил 11 февраль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш куни олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# “Denov Realtor Servis” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Очиқ аукцион савдога Денов тумани “Barakat Dehqon bozori” масъулияти чекланган жамияти тугатиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 50-сонли қарори ва жамиятни тугатиш комиссиясининг 2021 йил 19 август ва 2021 йил 3 декабрдаги 1-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан Денов тумани, А. Каримов фермер хўжаликлар бирлашмаси ва Денов тумани, Бойсун кўчасида жойлашган Денов тумани “Barakat Dehqon bozori” масъулияти чекланган жамияти тугатиш комиссиясига тегишли **умумий майдони** – 2,22 га, **қурилиш таг майдони** – 106,24 квадрат метр, **фойдаланиш майдони** – 83,69 квадрат метр Чорва моллари бозорининг бино ва иншоотлари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 255 289 661 сўм.

**Савдо 2022 йил 7 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.** Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 13.00 гача тушлик). **Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 4 март куни соат 17.00 гача.

Ушбу бино ва иншоотлар 2022 йил 7 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 8 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2021 йил 7 апрель куни соат 17.00 гача.

Савдога қўйилган бино ва иншоотлар билан тугатиш комиссияси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан боғларга бўлган ҳуқуқларни бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 9049 5464 6001 ТИФ Миллий банк Денов бўлими МФО 00845 СТИР 302 191 030.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

**Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар:**

**Ўзбекистон Республикаси фуқароси** – паспорт нусхаси аукционда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

**хорижий юридик шахслар** – уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

**хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

**Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

закалат пули тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил:** Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 55-уй.

**Телефон/факс:** 76-413-16-56.

*Хизматлар лицензияланган.*
RR-0105-сонли лицензия.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдога “Махсусюктранс” МЧЖнинг 2022 йил 31 январдаги 146-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, русуми) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 190 LAA бўлган “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 79 236 000 |
| 2. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2664 AA бўлган “ALKAN OTOM” русумли автотиркама | 65 926 000 |
| 3. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2658 AA бўлган “ALKAN OTOM” русумли автотиркама | 66 617 000 |

**Аукцион савдо 2022 йил 7 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 5 март куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 7 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 23, 30 март ҳамда 6 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдога O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati chegara qo‘shinlarining 2021 йил 16 сентябрдаги 30/4/1-13795-сонли ва 2021 йил 25 октябрдаги 30/4/1-15693-сонли буюртманомаларига асосан, Тошкент шаҳри ва вилоятларда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили ва русуми | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 2004 йилда ишлаб чиқарилган, “ВАЗ-2123” русумли автомашина | 33 284 262 |
| 2. | 1988 йилда ишлаб чиқарилган, “МАЗ-5334” русумли автомашина | 17 291 000 |
| 3. | 2006 йилда ишлаб чиқарилган, “АУДИ S8” русумли автомашина | 120 782 600 |
| 4. | 2006 йилда ишлаб чиқарилган, “АУДИ S8” русумли автомашина | 197 786 100 |
| 5. | 2004 йилда ишлаб чиқарилган, “ВТ-150Л” русумли автомашина | 22 888 000 |
| 6. | 2004 йилда ишлаб чиқарилган, “ВТ-150Л” русумли автомашина | 22 888 000 |
| 7. | 1991 йилда ишлаб чиқарилган, “МАЗ-5551” русумли автомашина | 21 494 000 |
| 8. | 1986 йилда ишлаб чиқарилган, “МАЗ-5551” русумли автомашина | 32 516 000 |

**Аукцион савдо 2022 йил 11 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 9 февраль куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 11 февраль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

Тошкент архитектура-қурилиш институти томонидан 2019 йили Кабирова Зилола Собирхужа қизига Дизайн (интерьер) йўналиши бўйича берилган BNº 1019857 рақамли диплом йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчасида жойлашган манзилда “O‘zbekinvest Hayot” MChJ SK Сирдарё вилояти филиали тасарруфида бўлган Н-18 (№003836) 1 дона суғурта полис бланки иш жараёнида йўқотиб қўйилгани сабабли, компания томонидан суғурта мажбурияти олинмаслиги маълум қилиниб, **бекор қилинади.**







Лойиҳа суратлари.

# ЯХШИ КАЙФИЯТДА ЧИРОЙЛИ ҲАЁТ КЕЧИРИШГА ЗАМИН

1-бет

50 гектар майдонда 5 500 та иш ўрни яратилувчи кичик саноат зонасининг ташкил этилиши эса бу ерда яшайдиган аҳоли учун яна бир имконият. 300 гектар майдоннинг 70 гектарини “Янги Ўзбекистон” боғи эгаллайди. Ҳозирга қадар боғнинг қарийб 40 гектар майдонига манзарали дарахтлар экилди ва бу ишлар давом этмоқда.

– Бугунги кунда 50 гектар ер майдонида кўчат экиш ишларини якунладик, – деди Фарғона шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Дилшод Омонов. – “Янги Ўзбекистон” боғи шу йил битказилади. Жорий йилда 80 та уй, яъни, 4 364 та хонадон қурилиб, аҳолига фойдаланишга топширилади. Ижтимоий соҳа объектларидан бу йил битта мактаб, иккита мактабгача таълим ташкилоти ва битта поликлиника қуриб битказилиши режалаштирилган.

Бу йил ҳамда келгуси йилларда бу ерда амалга оширилажак улкан бунёдкорлик ишлари натижасида 16 мингдан зиёд оила замонавий шаҳарчада бахтли ва фаровон ҳаёт кечиради. Бундан эса энг аввало, халқнинг боши осмонга етмоқда. Уларнинг қувониб айтаётган фикрларига қулоқ тутиб кўринг-а.

– Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан “Яшил макон” дастури асосида жуда кўп ишлар амалга оширилди, – деди Фарғона шаҳридаги “Мададкор” МФЙ раиси Насиба Турсунова. – Дастлаб бу ерда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Жуда кўп манзарали ва мевали дарахтлар экилди. Жанубий Корея тажрибаси асосида энг замонавий услубда қурилаётган арзон, барча шароитларга эга, қулай уйларнинг қад ростлаётгани биз фарғоналикларни жуда қувонтирди. Айниқса, шаҳримизда яшайдиган ёш оилалар орасида уй-жойга муҳтожлари кўп. Бундай уйлар халқимизнинг кўп йиллик орзуси эди.

– Лойиҳадаги суратларини кўриб, қанча хурсанд бўляпмиз, битганидан кейин қай даражада қувонишимизни тасаввур қилолмаяпман, – дейди фарғоналик меҳнат фахрийси Миродил Турсунов. – Барча уйлар битгач, бу ер эртакмонанд шаҳарга айланса, ажабмас. Чунки ҳар битта ҳудуднинг ўзида мактаб, боғча ва тиббиёт муассасаси бор. Қолаверса, бу ерда яшайдиган аҳоли иш билан ҳам таъминланиши айтилди. Инсоннинг бу даражада қадрланиши жуда катта бахт эмасми? Қанийди, 20-25 ёш бўлганимда, белимни бақувват қилиб, мен ҳам қурилишга ёрдам берардим.

Маълумотларга кўра, Фарғона шаҳрида қурилиши бошланган ушбу массив юртимиздаги энг йирик “Янги Ўзбекистон” массиви бўлиши кутилмоқда.

Кейинги манзил – Фарғона туманидаги “Янги аср” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 21 гектар майдонда қурилиши старт олган “Янги Ўзбекистон” массивида бешта 5 қаватли, 20 та 7 қаватли ва 8 та 9 қаватли турар жой бинолари қарийб, 1 500 оилага қувонч улашади. Бундан ташқари, ҳудудда 1 056 нафар бола таълим олишига мўлжалланган мактаб, 240 нафар кичкинтойлар учун МТТ, оилавий поликлиника, маданият ва каворкинг марказлари, маҳалла фуқаролар йиғини учун бино, спорт мажмуаси ҳамда истироҳат боғи барпо этилади.

Ҳудуд яқинида 2021 йилда 47 та кўп қаватли уйлар қурилган бўлиб, айни пайтда қурилиши бошланган 33 та турар жой бинолари ва ижтимоий соҳа объектлари, кичик саноат зонаси, иссиқхона ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари билан аҳоли яшаши учун барча қулайликларга эга бўлган яхлит шаҳарча – “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилади.

– Ичимлик сувини 2 километр узоқликдаги сув манбаидан қудуқ қаздириб, насос орқали резервуарга ташаб берамиз, – деди Фарғона тумани ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Ўткир Тешажонов. – Резервуар орқали аҳолини сув билан таъминлаймиз. Ҳозир 33 та кўп қаватли уйимиз 28 та қурувчи ташкилотга бўлиб берилди. Айрим салоҳиятли, рейтинги юқори ташкилотларга 2-3 тадан топширдик. Сифатли ва қулай, халқимизга узоқ йиллар хизмат қиладиган уйлар қурамиз деб умид қиламан.

Фарғона шаҳридан Фарғона туманига кираверишда катта йўл ёқасида бунёд этилаётган ушбу “Янги Ўзбекистон” массиви бутун туман аҳлини, кексаю ёшларни бирдек мамнун этмоқда.

– Аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, – дейди меҳнат фахрийси Солижон Иброҳимов. – Бу ўз-ўзидан уларни уй-жойга бўлган эҳтиёжини оширади. Массивлар қурилиши Фарғона тумани учун катта имтиёз, имконият, фахрдир. Қолаверса, қишлоғимиз аҳолисининг ҳам қувончи чексиз, энди фарзандларимиз узоқ-узоқлардан уй қидириб сарсон бўлмайди. Ёнимизда бўлиб, мана шу чиройли уйларда яшашади. Бу ташаббусни амалга оширган юртбошимиздан миннатдормиз.

Навбатдаги улкан бунёдкорлик манзили – Ёзёвон тумани, “Юқори Сойбўйи” маҳалласи ҳудудидаги 65,2 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массивидир. Ҳудуднинг 49 гектарида 138 та кўп қаватли уйлар қурилади. Уйлар 5, 7, 9 қаватли бўлиб, шундан 2022 йилда 33 та, яъни, 948 хонадонли турар жой бинолари қад ростлайди. Натижада қарийб 4 мингта оила замонавий турар жойга эга бўлади. 3,2 гектар майдонда яшил ҳудуд, яъни “Янги Ўзбекистон” боғи бунёд этилади. 3 гектар ерда иссиқхоналар ташкил этилади. Шунингдек, кичик саноат зонасига ҳам алоҳида жой ажратилган. Ҳудудда сув таъминотини яхшилаш бўйича биттадан ичимлик ва оқова сув иншоотлари барпо этилиб, 9,2 километр ичимлик суви, 19 километр оқова сув тармоқлари тортилади.

– Туманимизда бугунги кунда 112 минг хонадон бўлса, шу пайтга қадар умуман канализация тармоғи мавжуд эмасди, – деди туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Дилмурод Бекмирзаев. – “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши жараёни бошланиши билан энг аввало, коммуникация масаласига эътибор қаратилди. Биринчи ўринда оқова сув тармоқларини тортиш масаласи кўзда тутилиб, лойиҳа ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда ушбу жараён якуний ҳисобга келди. Қолаверса, электр энергия, газ масаласи ҳам деярли ҳал этилди. Мавжуд тармоқлар яқин ҳудудда жойлашганлиги учун бу борада ортиқча муаммолар бўлмайди. 55 миллиард сўмга сув-оқова масаласи яъни, сув минораси қуриш бўйича бир гектардан ошиқ ер ажратилган. Электр масаласи бўйича ҳам 8 миллиарддан ошиқ маблағ билан жараённи бошлаб юбордик. Қолаверса, иссиқхона ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда уй-жойга муҳтож 1 500 нафар фуқаро аризасини бериб, 150 та хонадонга бирламчи бадал тўловлари тўланди. Қишлоқ жой бўлса-да, битта хонадонда 2-3 тадан яшаётган оилалар бор. Уй-жойга талаб ҳам шунга яраша.

– Массивлар қурилиши туманимиз аҳли учун тарихий воқеа сифатида бошланди, – ўз фикри билан ўртоқлашди Ёзёвон тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Мусажон Охунов. – Марказий Фарғона чўлларининг энг маркази Ёзёвон ҳисобланади. Шу марказдан иккита катта йўл кесишган жой – Тошкент-Ўш 373-йўл ва Фарғона-Наманган йўллари чорраҳасида уйлар қурилиши учун ер ажратилди. Салкам 4 мингга яқин хонадон қурилиши халқ учун жуда катта қулайлик. Иккита мактаб, иккита боғча, маданият маркази, ёшлар маркази, тадбиркорлар маркази, савдо маркази, қатор-қатор уйлар тўлиқ мажмуавий тартибда қуриляпти. Бу ердаги аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида кичик саноат зоналари ҳам ташкил этиш режалаштирилган. Буларнинг бари шу халқ учун, унинг яхши яшаши учунлиги кишини қувонтиради.

2022 йил давомида Фарғона вилоятидаги қурилиши бошланган учта “Янги Ўзбекистон” массивларида 163 та кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу қанчадан-қанча оилалар ҳаётида унутилмас воқеалар рўй беради, дегани. “Янги Ўзбекистон” массивлари инсон ҳаёт кечириши, таълим-тарбия олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, меҳнат қилиши, маданий ҳордиқ чиқариши, умумий айтганда, тўла-тўкис яшаши учун барча қулайликлар яхлит ҳудудда яратилиши билан аҳамиятли. “Янги Ўзбекистон” массивларини яратишда намуна бўла олган ва бу йўналишда катта тажрибага эга фарғоналиклар жорий йилда ҳам катта марраларни кўзламоқда.

Демак, тез орада янги уйларда яна минглаб юртдошларимиз яхши кайфиятда чиройли ҳаёт кечиришни бошлашади.

## ТЎЙХАТ ЎРНИДА

# СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Республикамизда аграр-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда соҳа фидойиларининг меҳнати, машаққати бор. Бунда соҳада узоқ йиллик тажрибага эга мутахассисларнинг билим ва салоҳиятига таянилади. Соҳа фидойиларидан бири, “Навоий Сувлойиҳа” МЧЖда чорак асрдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Нурфулло Нурматов 70 ёшни қаршилаб, шундан 50 йилини сув иншоотларини қуриш орқали элга хизмат қилишга бағишлади.**



Нурфулло Нурматов Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг Гидромелиорация ишларини механизациялаш бўйича инженер-механик факультетини битказгач, Аму-Бухоро магистрал каналида уста (мастер) бўлиб ишлаган даврда қурилиш юзасидан бир неча таклифлар билан чиқди ва улар бўйича бошланган иш самарали бўлди. Ёш мутахассис соҳада изланиб, янги ташаббус ва таклифлар билан иш унумдорлигини оширишга ҳаракат қилди. 1976 йилда эса Навоий насос станцияси қурилиши, Ўртачўл канали участкаларини қуриб, бетонлаштиришни тугаллаш ишларида фаол қатнашди.

1982-1986 йилларда Навоий вилояти ташкил бўлиши муносабати билан сув хўжалигининг вилоятдаги ҚҚДБ-24да техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб, Ўртачўл массивидаги янги ерларни ўзлаштириш, Қизилтепа ва Бўстон насос станцияларини лойиҳалаштириш ҳамда қурилишида фаолият олиб борди. У қай бир ҳудудда иш олиб бормасин, қурилиш ишлари лойиҳаларини яратишда ўша ер ҳолатини инобатга олишга алоҳида эътибор қаратди.

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ саноат корхоналари ва ижтимоий-маданий объектларни иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлайдиган асосий корхона. Унинг қурилиши 1960 йилда бошланган ва 25 минг кВт қувватга эга станциянинг биринчи агрегати 1963 йилда тармоққа уланган. Н. Нурматов станциянинг ишлаш тизимини ўрганиб чиқиб, унга янгилик киритиш бўйича 2005 йилда ўз таклифларини баён қилади. Ташаббускорнинг таклифи бўйича ҳар йили 300 миллион сўм тежаладиган бўлди. Айни чоғда иккинчи гидроузел автоматлашган ҳолда, замонавий технологиялар асосида ишлаяпти

– Осиё тараққиёти банки ва Жаҳон тараққиёти банки билан ҳамкорликда тузилган лойиҳага асосан ажратилган маблағлардан Фарғона, Наманган, Самарқанд, Сирдарё насос станциялари учун магистрал каналлар қурилишларида иштирок этдим, – дейди Н. Нурматов. – Навбаҳор гидроузели, Ўнг қирғоқ канали иншоотлари, “Конимех”, “Чаули”, “Шовот” каналларини бетонлаштириш, “Учқара”, “Сигма”, “Малик”, “Конимех-2”, “Шовот”, “Мўминов”, “Оқ-олтин” каби каналлар қурилиш жараёнида Навоий вилояти туманларида ерларни комплекс реконструкция қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш ҳамда “Шодибек”, “Дул-Дул”, “Акдувал”, “Марказий”, “Маликчўл”, “ГД”, “Қарнаб” магистрал зовурларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида буюртмачи бош муҳандиси сифатида лойиҳа, қурилиш ва топшириш ишларида тўлалигача иштирок этдим.

Н. Нурматов 1996 йилдан буён “Навоий Сувлойиҳа” МЧЖ лойиҳа ташкилотига раҳбарлик қилиб келмоқда. Иш фаолияти давомида кўплаб каналлар, насос станциялари, тик суғориш қудуқлари, ерларни томчилаб суғориш, ичимлик суви қувурлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги тараққиёти бўйича лойиҳаларга раҳбарлик ва муаллифлик қилиб келмоқда.

2008-2018 йилларда суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича вилоятда Мелиорация фонди буюртмалари бўйича магистрал зовурларни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 188 километр ҳамда хўжаликлараро зовурларни таъмирлаш-тиклаш бўйича 2 480 километр ва Бухоро вилоятида мазкур фонд буюртмалари бўйича магистрал зовурларни реконструкция қилиш, қуришда 95 километр ва хўжаликлараро зовурларни таъмирлаш-тиклашда 1 993 километр лойиҳа-смета ҳужжатларни тайёрлатишда раҳбарлик қилди.

– Соҳа ютуқларидан яна бири, сувни иқтисод қилиш учун томчилаб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, ер остидан намлаб суғориш ҳамда очиқ зовурларни ёпиқ зовурларга айлантириб, экин майдонларини кўпайтириш каби ишлар амалга оширилмоқда. Иш жараёнида кўплаб чет давлатларда хизмат сафарларида бўлдик, бошқа давлатларнинг соҳадаги ютуқлари билан танишдик, кўплаб дўстлар, ҳамкасблар орттирдик, – деди қаҳрамонимиз.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган Нурфулло Нурматов бугун қутлуғ ёшни қарши олган бўлса-да, ҳамон соҳадошларига ибрат бўлиб келмоқда.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Февраль ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хизмат хоналари фаррошиси **Мухтабар Юсупова,**

Андижон вилояти, Избоскан тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Абдуқаххор Мухторов,**

Жиззах вилояти, Зарбдор тумани қурилиш бўлими бошлиғи Нурсултон Яхшиликов, Зомин тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Муҳиддин Ниязов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Шаҳар ва туман қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Жеткербай Жексембиев,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бошлиғи **Умидбек Нурметов,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази комплаенси **Нигора Болтаева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-243.
2341 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 23.08.
Топширилди – 23.50.

1 2 3 4 5 6